

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ МУТАХАССИСИ
МАЛАКАВИЙ ТАВСИФНОМАСИ

5510700 – «ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ»



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил
“8” сентябрдаги 236-сонли буйруғининг 4 иловаси билан тасдиқланган.

Тошкент-2020

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий таълим ривожлантириш маркази
ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING
TIBBIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH
MARKAZI

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар.....	5
2. Олий ҳамширалик иши мутахассисига малакавий талаблар.....	7
3. Умумий компетенциялар.....	8
4. Касбий компетенциялар.....	8
5. Олий ҳамширалик иши мутахассиси қуйидагиларни билиши керак.....	9
6. «Анестезиология ва реанимация» ихтисослиги бўйича олий ҳамширалик иши мутахассиси квалификацияон тавсифномаси.....	10
7. «Хирургия» ихтисослиги бўйича олий ҳамширалик иши мутахассиси квалификацияон тавсифномаси.....	12
8. «Акушерлик» ихтисослиги бўйича олий ҳамширалик иши мутахассиси квалификацияон тавсифномаси.....	14
9. «Хамширалик иши менежменти» ихтисослиги бўйича олий ҳамширалик иши мутахассиси квалификацияон тавсифномаси.....	17
10. Олий ҳамширалик иши мутахассисининг узлуксиз касбий тайёргарлиги, аттестациядан ўтказиш ва лицензиялаш.....	19

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

5510700- «Олий ҳамширалик иши» йўналиши битирувчиси соғлиқни сақлаш тизими турли муассасаларида, соғлиқни сақлашни бошқариш ташкилотларида, ўрта-махсус касб-хунар таълим муассасаларида, илмий-текширув муассасаларида, ижтимоий муҳофаза ташкилотларида, ҳамда «валеология» соҳасида фаолият олиб бориш учун тайёрланади.

Замонавий талабларга жавоб берувчи мутахассисларни тайёрлаш учун, олий ҳамширалик иши мутахассисининг ушбу малакавий тавсифи асосий хужжат бўлиб ҳисобланади.

Малака тавсифи ҳар жойда умумий бир хилликни, олий ҳамширалик иши мутахассисини тайёрлаш ва ишлашга қўйиладиган талабларни тартибга солишни (бирлаштирилишини) таъминлайди.

1.1. Ушбу малака тавсифномаси давлат меъёрий хужжати бўлиб, қуйидагилар асосида тузилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилич тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш бўйича чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ- 4985 сонли Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-2857 сонли Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ- 2956-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3151-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги "тиббий ходимларни тайёрлашни янада такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар ҳақида" ги 769-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли "Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармойиши

1.2. Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича малака тавсифномаси давлат меъёрий хужжати бўлиб, қуйидагиларни белгилайди:



- касбий тайинланиши, олий ҳамширалик иши мутахассисининг умумий қоидалари ва иш фаолиятининг шарт-шароитлари;
- олий ҳамширалик иши мутахассисига қўйиладиган малакавий талаблар;
- олий ҳамширалик иши мутахассиси аттестациясига қўйиладиган талаблар;
- тиббиёт олий муассасалари ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг олий ҳамширалик иши мутахассисини тайёрлашга ва фойдаланишга масъулияти

1.3. Ушбу малака тавсифномаси мўлжалланган:

- тиббиёт институтлари ва уларнинг филиаллари, соғлиқни сақлаш муассасалари (ҚВП, ҚОП, ОП, “03” шохобчалари);
- соғлиқни сақлашни бошқариш ташкилоти;
- ушбу мутахассиснинг меҳнатидан фойдаланувчи вазирликлар, идоралар, корхоналар (муассаса ва ташкилотлар);
- соғлиқни сақлашнинг маҳаллий ташкилотлари;
- даволаш-профилактика муассасаси;
- тиббий ассоциациялар.
- ушбу йўналишдаги мутахассисларга бўлган эҳтиёжни олдиндан кўра билиш, диплом олди, дипломдан кейинги таълим ва адаптация ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилишида;
- тайёрлов, қайта тайёрлашни такомиллаштиришда, малака талабларини оширишда, профессионал фаолият йўналтириш ва таҳлил этишда,
- магистратура битирувчиларини якуний аттестация ўтказишда Давлат имтиҳон ҳайъати мақсад ва вазифаларини аниқлашда;
- олий таълим муассасаларида ва дипломдан кейинги тиббий таълим муассасаларида давлат ўқув меъёрлари, ўқув дастурлари, ўқув режалари ва тегишли йўналишларда ишчи дастурлар ишлаб чиқишда;
- олий ҳамширалик иши мутахассиси фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиб боришда.

1.5. Олий ҳамширалик иши мутахассисининг касбий тайинланиши ва иш фаолиятининг шарт-шароитлари

Олий ҳамширалик иши мутахассиси – олий маълумотли мутахассис ҳисобланади ва соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида, аҳоли ўртасида ўткир ва сурункали касалликларнинг тарқалишини олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, замонавий усуллардан кенг фойдаланган ҳолда беморларни соғломлаштириш бўйича асосий муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича комплекс масалалар мажмуасини олиб бориш учун етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Олий ҳамширалик иши мутахассиси аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасида ўз профессионал фаолиятини Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг

тиббий-профилактика муассасаларининг тегишли йўналиш бўғинларида олиб боради:

- қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва филиаллари, тез тиббий ёрдам станциялари;
- Олий тиббий маълумотга эга бўлган мутахассислар фаолият юритиш лозим бўлган соғлиқни сақлаш тизимининг Тегишли номланиш асосид ташкилот ва муассасаларида;
- Соғлиқни сақлаш ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Тегишли номланишда кўзда тутилган олий тиббий маълумотга эга мутахассислар эгаллаши мумкин лавозимларида.


2. ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ МУТАХАССИСИГА МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР

2.1. Олий ҳамширалик иши мутахассисининг билими:

- аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлашни бошқариш, тиббиёт ходимларининг жавобгарлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг асослари; ЎзР ССВ нинг меъёрий-ҳуқуқий актлари;
- соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида тиббий фаолиятни ташкил этиш;
- этика ва деонтология тамойиллари, касбий коммуникация ва мулоқат асослари, педагогика асослари;
- ҳамширалик ишини бошқаришнинг тамойиллари ва асослари;
- аҳоли саломатлигини асосий статистик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш;
- меҳнат хавфсизлиги асослари;

2.2. Олий ҳамширалик иши мутахассисининг кўникмаси:

- аҳоли орасида кенг тарқалган ўткир ва сурункали касалликлар бўйича барч турдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш
- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботига қаратилган чора тадбирларин ўтказиш;
- реабилитация чоралари талаб қилинадиган ҳолатларда, уларни аҳолига зару бўлган даражада қўллаш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш ;
- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда унинг учун маъсул бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш;
- соғлиқни сақлаш бирламчи тизимининг меҳнат ресурсларидан оқилон фойдаланиш ва уларни самарали бошқаришда иштирок этиш;
- ихтисослаштирилган, юқори технологик ҳамширалик парваришини в муолажаларини амалга ошириш;
- “валеология” тиббий ихтисослиги бўйича соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи муассасаларида (қишлоқ врачлик пунктларида, қишлоқ оилави



поликлиникаларида, оилавий поликлиникаларида, марказий кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаларида) тиббий фаолиятни амалга ошириш;
- тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муоммолар бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини талаб даражасида олиб боришда иштирок этиш.

Олий ҳамширалик иши мутахассиси ўз фаолиятини қўйидаги асосий ихтисосликларда амалга оширади:

1. Анестезиология ва реанимация
2. Хирургия
3. Акушерлик
4. Ҳамширалик иши менежменти


Олий ҳамширалик иши мутахассиси компетенциялари

Умумий компетенциялар:

1. Абстракт фикрлаш, анализ, синтез қобилиятлари, ўқиш ва далилларга асосланган замонавий тиббиёт билимларни ўзлаштириш қобилияти.
2. Амалий вазиятларда билимдарни қўллаш қобилияти;
3. Касбий фаолиятни моҳиятини тушуниш қобилияти;
4. Янги шароитга адаптация қилиш ва фаолият юритиш қобилияти;
5. Асосланган қарорлар қабул қилиш, жамоада ишлаш, шахслараро коммуникация қилиш қобилиятлари.
6. Ахборот ва коммуникация технологиялардан фойдалана олиш қобилияти.
7. Ижтимоий масъулият билан ва онгли равишда ҳаракат қилиш қобилияти.
8. Биологик, психологик, маданий ва мафкуравий омилларни ҳисобга олган ҳолда мулоқот қилиш қобилияти.

Касбий компетенциялар:

1. Ижтимоий жавобгарлик ва касбий фаолият:
 - ижтимоий шароит ва жамоат соғлиқни сақлашни ҳисобга олган ҳолда ҳамширалик фаолиятни амалга ошириш;
 - беморлар/мижозлар ва ҳамкасблар олдида масъулият ҳамда касбий ва этик стандартларга мувофиқ касбий фаолиятни олиб бориш;
 - ҳамширалик ишини ривожлантиришга ҳисса қўшиш;
 - вазиятни чуқур ўрганиш ҳамда эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш.
2. Касбий компетенцияларни такомиллаштириш:
 - шахсий ва касбий компетенцияларни такомиллаштириш;
 - касбий стандартлар, ахлоқий ва шахсий меёрларга риоя қилган ҳолда фаолият юритиш.



3. Ёш мутахассислар ва талабаларнинг профессионал ўсишини такомиллаштиришга ўз хиссасини қўшиш.
- ҳамширалар таълимига ҳисса қўшиш;
 - ҳамкасблар ва бошқа тиббиёт ходимларини профессионал ўсишига ҳисса қўшиш.

Олий ҳамширалик иши мутахассиси қўйидагиларни:

- далилларга асосланган тиббиёт асослари;
- ахборот-коммуникация технологиялари;
- чет тиллар;
- ҳамширалик ишида илмий изланишлар асослари;
- илмий изланишлар олиб бориш методологияси;
- аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлашни бошқариш, тиббиёт ходимларининг жавобгарлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг асослари; ЎзР ССВ нинг меъёрий-ҳуқуқий актлари;
- тиббий психология асослари;
- касбий педагогика асослари ва касбий педагогик технологиялар;
- ҳамширалик жараён асосида беморларга парваришни амалга ошириш тамойиллари;
- клиник фармакология асослари;
- инфекцион назорат асослари;
- фавкулотда тиббиёт асосларини **билиши керак**
- ҳамширалик жараён бўйича ҳужжатларни олиб бориш;
- соғлиқни сақлаш тизимидаги меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга тадбиқ этиш;
- ўз фаолиятида замонавий тиббиёт ютуқларини тадбиқ этиш;
- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботига қаратилган чора-тадбирларини ўтказиш;
- реабилитация чоралари талаб қилинадиган ҳолатларда, уларни аҳолига зарур бўлган даражада қўллаш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш ;
- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда унинг учун маъсул бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш;
- соғлиқни сақлаш бирламчи тизимининг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқаришда иштирок этиш;
- тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муоммолар бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини талаб даражасида олиб боришда иштирок этиш;
- соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишни **кўникмаларига эга бўлиши керак**

**«АНЕСТЕЗИОЛОГИЯ ВА РЕАНИМАЦИЯ» ИХТИСОСЛИГИ
БЎЙИЧА ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ МУТАХАССИСИ
КВАЛИФИКАЦИОНН ТАВСИФНОМАСИ**

**«Анестезиология ва реанимация» ихтисослиги бўйича Олий
хамширалик иши мутахассиси қўйидаги компетенцияларга эга бўлиши
керак:**

1. Реанимационн беморларга комплекс парваришни таъминлаш:

- индивидуал ёндошиш ва хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатиш;
- профилактик парваришни таъминлаш;
- парвариш ва муолажаларни ўтказиш;
- руҳий-ижтимоий парваришни таъминлаш;
- биологик, руҳий-ижтимоий, маданий ва маънавий омилларни ҳисобга олган ҳолда бемор билан мулоқат қилиш.

2. Илмий тадқиқотлар ва далилларга асосланган тиббиёт тамойилларга асосланган интенсив ёрдамни амалга ошириш (маълумотларни йиғиш, танлаш, фойдаланиш) :

- тиббий ва ахлоқий муаммоларни ва хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда, анестезиология ва реанимацияни ривожлантириш бўйича сўнги маълумотларни тўплаш;

- олинган илмий ахборотнинг аҳамиятини баҳолаш;
- ласбий фаолиятда илмий ахборотдан фойдаланиш.


3. Анестезиология ва реанимация соҳасида ўтказилаётган илмий изланишларда қатнашиш:

- илмий изланишлар план-картасини тузиш (долзарблик, адабиёт шарҳи, изланишни олиб бориш, баҳолаш, натижалар);
- сифат ва сонли илмий изланишлар ўтказишда қатнашиш, натижаларни баҳолаш, амалиётга тадбиқ этиш, самарадорлигини баҳолаш.

**«Анестезиология ва реанимация» ихтисослиги бўйича Олий
хамширалик иши мутахассиси қўйидагиларни билиши керак:**

Анестезиология соҳасида:

- реанимация ва интенсив терапия бўлимнинг ишини ташкил этиш. Деонтология ва ҳуқуқ масалалари. Анестезиология ва реанимация бўлими жихозланиши.
- Анестезиологик блокнинг асептика ва антисептика қоидалари.
- Замонавий оғриқсизлантириш турлари ва усуллари.
- Операция вақтида ва ундан кейин хаётий муҳим кўрсаткичларни назорат қилиш усуллари.




- Замонавий наркоз-нафас бериш жихозлари.
- Анестезистнинг иш жойини тайёрлаш ва жихозлашни.
- Анестезиология ва реанимацияда ишлатиладиган тиббий жихозларни.
- Анестетиклар дозаларини тайёрлаш ва юбориш йўллари..
- Умумий анестезия асоратлари ва уларни олдини олиш чоралари.
- Турли хил жаррохликлардан кейинги даврда ҳамширалик жараёни хусусиятлари.
- Наркоз, нафас бериш, назорат-диагностика қилиш аппаратлар билан ишлашда меҳнат муҳофазаси қоидалари.

Реаниматология соҳасида:

- Оғир ва терминал ҳолатдаги беморларнинг аҳолини баҳолаш ва асосий симптом ва синдромлар. Шошилиш шифокорга бўлган тиббий ёрдам кўрсатиш тамойиллари ва асослари.
- Организмнинг ҳаётий муҳим кўрсаткичларини назорат қилиш усуллари.
- Сув-электролит алмашинуви, кислота-ишқори аҳоли, инфузион терапия
- Парентерал овқатлантириш тамойиллари.
- Трансфузиологик моддалар ва уларни юбориш.
- Ўткир нафас етишмовчилиги клиник белгилари. Кислородотерапия. ЎНЕда ҳамширалик ёрдам.
- Ўткир юрак етишмовчилиги турлари. Синкопе. Коллапс. Шок парвариш хусусиятлари.
- Терминал ҳолатлар, юрак-ўпка реанимацияси.
- Комада бўлган беморларга ҳамширалик парвариш хусусиятлари.
- Экзоген захарланшли беморларга парвариш хусусиятлари.
- Операциядан кейинги даврда ҳамширалик парвариш хусусиятлари.

«Анестезиология ва реанимация» ихтисослиги бўйича олий ҳамширалик иши мутахассиси қўйидаги малакаларига эга бўлиши керак:

- нафас тўхтаганлиги белгиларини аниқлаш;
- юрак тўхтаганлиги белгиларини аниқлаш;
- гипоксия турларини ажратиш;
- сунъий нафас бериш усулларини;
- юракни билвосита массажини ўтказишни;
- вена қон томирларга найча қўйишни;
- артериал ва веноз босимни ўлчашни;
- кардиомониторларни иш жараёнига тайёрлашни;
- инфузوماتни тайёрлашни;
- дефибриллятор аппаратини иш жараёнига тайёрлашни;
- ларингоскопни тўлиқ йиғишни;
- интубация найчаларни ёшига қараб танлашни;
- ошқозон учун зондни ўлчаб олишни;
- ошқозонга зонд қўйишни;



- сийдик қопига найча қўйишни;
- ётоқ яраларга ишлов беришни;
- терминал холатдаги беморларни овқатлантиришни;
- беморлар билан муомалада бўлишни;
- дориларни эритиб вена томирга юборишни;
- гемотрансфузия ўтказишни;
- плазматрансфузия ўтказишни;
- албуминтрансфузия ўтказишни;
- трансфузия ўтказишдан олдин биологик синамаларни ўтказишни;
- асорат бўлишини олдини олишни ва бўлганда тез ёрдам беришни;
- биохимик таҳлил учун қон олишни;
- бактериологик текшириш учун беморни тайёрлашни;
- хар-хил функционал текширувларга беморларни тайёрлашни;

«ХИРУРГИЯ» ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ МУТАХАССИСИ КВАЛИФИКАЦИОНН ТАВСИФНОМАСИ

«Хирургия» ихтисослиги бўйича Олий ҳамширалик иши мутахассиси қўйидаги компетенцияларга эга бўлиши керак:

1. Хирургик беморларга комплекс парваришни амалга ошириш:
 - ўтказилган жаррохликни ҳисобга олган ҳолда ҳамширалик парвариш тактикасини танлаш ва амалга ошириш;
 - хирургик беморларга профилактик ёрдам кўрсатиш;
 - хирургик патологияси бўлган беморларга маслахат ва ахборот бериш;
 - хирургик операцияларни ўтказишда қатнашиш;
 - хирургик патологияси бўлган беморларга рйхий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш.
2. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида хирургик патологияси бўлган беморларга ҳамширалик парваришни ташкил этиш ва амалга ошириш:
 - мавжуд ижтимоий ҳизматлар асосида жаррохлик касалликларни ҳамширалик парваришни мувофиқлаштириш;
 - бошқа тиббий мутахассилар билан биргаликда фаолиятни олиб бориш;
 - жаррохлик ҳамширасини фаолиятини режалаштириш ва амалга ошириш;
 - шошилинч жаррохлик ёрдамни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;
 - тиббий хужжатларни тўлдириш;
 - хирургик беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича билимларни доимий яхшилаш.

3. Илмий тадқиқотлар ва далилларга асосланган тиббиёт тамойилларга асосланган жаррохлик ҳамширалик ёрдамни амалга ошириш (маълумотларни йиғиш, танлаш, фойдаланиш) :

- тиббий ва ахлоқий муаммоларни ва хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда, жаррохлик ҳамширалик парваришини ривожлантириш бўйича сўнги маълумотларни тўплаш;

- олинган илмий ахборотнинг аҳамиятини баҳолаш;

- ласбий фаолиятда илмий ахборотдан фойдаланиш.

4. Хирургия соҳасида ўтказилаётган илмий изланишларда қатнашиш:

- илмий изланишлар план-кارتасини тузиш (долзарблик, адабиёт шарҳи, изланишни олиб бориш, баҳолаш, натижалар);

- сифат ва сонли илмий изланишлар ўтказишда қатнашиш, натижаларни баҳолаш, амалиётга тадбиқ этиш

«Хирургия» ихтисослиги бўйича Олий ҳамширалик иши мутахассиси қўйидагиларни билиши керак:

- хирургик касалликларининг этиопатогенетик асослари;

- хирургик касалликларининг клиник манзаралари ва диагностикасининг аломатлари;

- хирургик касалликларнинг одатдаги ва асоратланган кечишида, касалнинг ёши ва преморбид фонга боғлиқ равишдаги кечиш аломатлари;

- алоҳида симптом ва синдромларнинг диагностик аҳамияти;

- инструментал, серологик, биохимик, морфологик текширув усуллари, уларнинг имкониятлари ва қўлланилиши;

- катта ёшдагилар хирургик патологияларини даволашнинг умумий принциплари;

- хирургик касалликлари бор катта ёшдаги беморларни диспансеризация ва реабилитация усуллари;

- соғлиқни сақлаш бирламчи звеноларида катта ёшдаги аҳолига хирургик ёрдам кўрсатиш принципларини эгаллаш;

- кичик хирургик манипуляциялар ва амалиётлар усуллари;

- хирургик патологияни аниқлаш учун бемордан анамнез йиғиш ва текширишни;

- реабилитацион режимлар чизмасини ишлаб чиқиш;

- шошилиш вазиятларда тезкор ёрдам кўрсатиш;

- кичик амалиётларни бажара олиш;

- организмнинг анатомио-физиологик, ёшига боғлиқ хусусиятларни;

- организмдаги функционал тизимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва регуляцияси;

- соғлом ҳаёт кечириш тарзи ва саломатликнинг ижтимоий ахамиятининг гигиеник асослари;
- даволаш ва ташхис қўйиш асбобларини қўллашга кўрсатмалар;
- кечиктирилмас ҳолатларда даволаш ҳақида;

«Хирургия» ихтисослиги бўйича олий ҳамширалик иши мутахассиси қўйидаги малакаларига эга бўлиши керак:

- ҳамширалик муолажаларни бажариш;
- беморларда асосий хирургик патология симптомларни аниқлаш ва ажратишни билиш;
- хирургик патологияда шошилишч шифокоргача ёрдам кўрсатиш;
- беморларни лаборатор, функционал ва инструментал текширувларга тайёрлаш;
- операция хонасини ва қатнашчиларини тайёрлаш;
- асептика ва антисептика қоидаларини амалга ошириш;;
- беморнинг инфекционн муҳофазасини олиб бориш;;
- тоза ва йирингли боғламларни қўйиш;
- операцияга хирургик инструментларни комплектация қилиш;
- тикиш материалларини тайёрлаш;
- гемостазни амалга ошириш;
- беморни операция хонасига ва операуия хонадан палатага транспортировка қилиш,
- ўз ваколатлари доирасида ва шифокор кўрсатмаларига асосан диагностик, реанимационн, реабилитационн, профилактик, санитар-гигиеник ва даволаш муолажаларини амалга ошириш;
- бемор ахволини баҳолаш ва асосий симптом ва синдромлар белгиларини ажратиш;
- дори-дармонларни сақлаш ва ишлатиш қоидаларига риоя қилиш;
- меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш;

«АКУШЕРЛ ИК» ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ МУТАХАССИСИ КВАЛИФИКАЦИОНН ТАВСИФНОМАСИ

«Акушерлик» ихтисослиги бўйича Олий ҳамширалик иши мутахассиси қўйидаги компетенцияларга эга бўлиши керак:

1. Фертил ёшдаги аёлларга комплекс парваришни таъминлаш:

- индивидуал ёндошиш ва хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатиш;
- профилактик парваришни таъминлаш;
- парвариш ва муолажаларни ўтказиш;



- рухий-ижтимоий парваришни таъминлаш;
- биологик, рухий-ижтимоий, маданий ва маънавий омилларни ҳисобга олган ҳолда бемор билан мулоқат қилиш.

2. Илмий тадқиқотлар ва далилларга асосланган тиббиёт тамойилларга асосланган акушерлик ёрдамни амалга ошириш (маълумотларни йиғиш, танлаш, фойдаланиш) :

- тиббий ва ахлоқий муаммоларни ва хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда, акушерлик ишини ривожлантириш бўйича сўнги маълумотларни тўплаш;

- олинган илмий ахборотнинг аҳамиятини баҳолаш;
- ласбий фаолиятда илмий ахборотдан фойдаланиш.

3. Акушерлик соҳасида ўтказилаётган илмий изланишларда қатнашиш:

- илмий изланишлар план-картасини тузиш (долзарблик, адабиёт шарҳи, изланишни олиб бориш, баҳолаш, натижалар);
- сифат ва сонли илмий изланишлар ўтказишда қатнашиш, натижаларни баҳолаш, амалиётга тадбиқ этиш, самарадорлигини баҳолаш.


«Акушерлик» ихтисослиги бўйича Олий ҳамширалик иши мутахассиси кўйидагиларни билиши керак:

- ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврлар физиологияси ва патологияси;
- ҳомиладорлик даврида инфекциялар; ҳомила ичи инфекциялар;
- туғруққача ёрдам муассаларидаги санитар - антиэпидемик ҳамда даволаш муҳофазавий тартиб бўйича амалий тажрибаларини;
- она ва ҳомила, шунингдек, янги туғилган чакалокнинг физиологик ҳолатларини;
- ҳамширалик ташхисини қўйиш, кузатиш, туғруқда ёрдам бериш, ҳамширалик парвариши ва фаол патронаж олиб бориш услубларини
- организмнинг анатомо-физиологик, ёшига боғлиқ хусусиятларни;
- организмдаги функционал тизимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва регуляцияси;
- соғлом ҳаёт кечириш тарзи ва саломатликнинг ижтимоий аҳамиятининг гигиеник асослари;
- даволаш ва ташхис қўйиш асбобларини қўллашга кўрсатмалар;
- кечиктирилмас ҳолатлар, асосий акушерлик патологик ҳолатларда даволаш ҳақида;
- контрацепциянинг ҳамма усулларини маслаҳатлаш билимларини;
- бачадон ичи спиралини қўйиш ва олиш

- оилани режалаштириш ва соғлом оналик чораларини олиб бориш кўникмаларини ишлаб чиқариш ва билимларини шакллантириш.
- Шошилинч акушерлик ҳолатларда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тамойиллари;
- Янги туғилган чақалоқ ахволини баҳолаш;
- Физиологик чилла даври;
- Чақалоқлар чилла даври патологик ҳолатлари;
- Кўкрак сути билан эмизиш тамойиллари;
- Профилактик эмлаш календари.
- Чақалоқлар реанимацияси асослари.

«Акушерлик» ихтисослиги бўйича олий ҳамширалик иши мутахассиси қўйидаги малакаларига эга бўлиши керак:

- хомиладорликни аниқлаш;
- хомиладорни туғруққа тайёрлаш;
- физиологик кечаётган туғруқларни қабул қилиш;
- тўлғоқлар тезлиги, интенсивлиги ва давомийлигини аниқлаш;
- янги туғилган чақалоқнинг илк парвариши;
- йўлдош ажралганининг белгиларини аниқлаш, йўлдошни ажратиш усулларини ўзлаштириш;
- йулдош бутунлигини аниқлаш, қон кетишнинг йўл қўйиладиган миқдорини аниқлаш;
- физиологик кечаётган туғруқларни қабул қилиш;
- туғруқнинг биринчи, иккинчи, учунчи даврларини бошқариш;
- чилла даври септик асоратларини олдини олиш
- хомиладор ва туғадиган аёлларни ташқи акушерлик текшириш утказиш;
- хомиланинг тахминий оғирлигини аниқлаш;
- хамила юрак уришини эшитиш;
- аёлларда катетеризация қилиш;
- киндик тизимчасини қирқиш ва бирламчи парвариши;
- илк бор кўкракка тутиш;
- киндан суртма олиш
- бачадон бўйнини кўзгуларда кўриш;
- цитологияга суртма олиш;
- бактериологик текширувга суртма;
- функционал ташхислаш тестларини ўтказиш;
- БИВ ни кўйиш ва олиш
- Чақалоқлар реанимацияси.



**«ҲАМШИРАЛИК ИШИ МЕНЕЖМЕНТИ» ИХТИСОСЛИГИ
БЎЙИЧА ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ МУТАХАССИСИ
КВАЛИФИКАЦИОНН ТАВСИФНОМАСИ**

**«Ҳамширалик иши менежменти» ихтисослиги бўйича Олий
хамширалик иши мутахассиси қўйидаги компетенцияларга эга бўлиши
керак:**

1. Ҳамширалик персонални бошқариш ва тиббий муассаса фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича бошқариш қарорларни ишлаб чиқиш:
 - ўз фаолиятини илмий изланишлар асосида ташкил этиш, унинг касбий фаолияти соҳасида фойдаланиладиган ахборотни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун компьютер усуллари эгаллаш;
 - бошқарувнинг моҳиятини, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзига хос хусусиятларини тушуниш, меъёрий ва маъмурий ҳужжатлар билан ишлаш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги профессионал функцияларни амалга ошириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий билим асосларини қўллаш;
 - муассасанинг парвариши хизматининг потенциал ривожланиши ва ишлашини таҳлил қилиш, ташкилотда ўзгаришларнинг зарурлигини аниқлаш, инновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича ҳаракат режасини ишлаб чиқиш;
 - келажакдаги касбининг табиати ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, соғлиқни сақлаш ва парваришнинг асосий муаммолари, уларнинг алқоаси ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа соҳалари билан ўзаро боғлиқлиги;
 - касбий функцияларни бажариш билан боғлиқ вазифаларни белгилаш ва вазифаларни белгилаш, уларни ҳал этиш учун ўрганилаётган фанларнинг усуллари қўллаш;
 - парваришлар тизимида ташкилот фаолиятининг таҳлили, унинг чекланиши ва салоҳиятини аниқлаш, самарадорликни ошириш дастурини ишлаб чиқиш, мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда ва уни амалга оширишни таъминлаш;
2. Иш жойида ижтимоий-психологик тартибга солишни амалга ошириш;
 - ҳамкасблар билан мулоқот қилиш ва жамоада ишлашга, ижрочиларнинг ишини ташкил этишга, ташкилотнинг ишчи кучига боғлиқ бошқарув қарорларини топишга ва бошқаришга тайёр бўлиш;
 - ташкилотларда низоларни, стрессларни ва инновацияларни бошқариш учун психология билими билан фойдаланадиган ташкилотларда самарали мулоқот усуллари қўллаш;
3. Аҳоли саломатлигини аҳолини таҳлил қилиш;



- аҳоли саломатлигини аҳоли ва тиббий, тиббий-ижтимоий ва соғлиқни сақлашга бўлган еҳтиёжини таҳлил қилиш усулларини қўллаш, уларни касбий муаммоларни ечишда фойдаланиш;

- беморга тиббий ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлигини баҳолаш учун беморнинг соғлиғи аниқлаш методологияси, малакали парвариш қилиш ва уларнинг шахсий еҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда маълумотларни йиғиш ва баҳолаш усулларини қўллаш;

- соғлом турмуш тарзи ҳақида илмий тушунча мавжуд, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш усуллари, жисмоний ўзини ўзи яхшилаш кўникмаларини қўллаш;

- профилактика, соғлиқни сақлаш чораларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- фавкулотда вазиятларнинг диагностикаси, фавкулотда вазиятларни бартараф этиш бўйича чоралар ташкил этиш ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш;

4. Ҳамширалик соҳасида илмий ва амалий тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказиш.

- ахборот билан мустақил ишлаш (ўқув, инфорационн, меёрий, илмий);

- касбий фаолиятда илмий ахборотдан фойдаланиш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммолар ва жараёнларни илмий таҳлил қилиш;

- Оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича тадқиқотлар олиб боришда соғлиқни сақлаш аҳолини таҳлил қилишнинг статистик, ижтимоий, гигиеник, эпидемиологик усулларида фойдаланиш;

- аҳоли соғлиғини баҳолашда аҳолига нисбатан парвариш қилиш сифатини баҳолашда сифат ва сифат кўрсаткичлари бўйича тадқиқотларни олиб бориш;

- далилларга асосланган тиббиёт асосида олинган натижаларни баҳолаш, олинган натижаларни таҳлил қилиш, тегишли хулосалар чиқариш, амалиётга татбиқ этиш бўйича таклифлар бериш ва самарадорликни баҳолаш;

«Ҳамширалик иши менежменти» ихтисослиги бўйича Олий ҳамширалик иши мутахассиси қўйидагиларни билиши керак:


бошқаришнинг ривожланиш босқичлари ва тамойиллари, функциялари, бошқариш услублари;

-бошқариш фаолиятида самарадорликни аниқлаш ва яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

-соғлиқни сақлашни бошқаришда назарий асослари ва тамойиллари;

-аҳолига тиббий ёрдамни ташкил қилишда ҳамширанинг роли ва соғлиқни сақлашда ҳамширалик ишини бошқариш;

-соғлиқни сақлашни режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш асослари бўйича чора тадбирлари, усуллари;




- Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ҳамширалик иши йўналишининг мақсад, вазифалари ва асосий йўналишлари;
 - тиббий муассасалар ва уларнинг бўлимларини бошқаришда замонавий менежер ва етакчининг ўрни ва роли;
 - замонавий менежмент ва етакчилик назариялари ва амалиёти;
 - ходимларни ишга қабул қилиш, уларни танлаш ва иш жойларини тақсимлаш;
 - ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- муассасанинг моддий, техника ресурсларини бошқариш тамойилларини

«Ҳамширалик иши менежменти» ихтисослиги бўйича олий ҳамширалик иши мутахассиси қўйидаги малакаларига эга бўлиши керак:

- аҳоли саломатлиги, даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини тахлил қилиш, уларни қиёсий баҳолаш;
 - аҳолига ҳамширалик ёрдамини ташкил қилиш;
 - ДПМни бошқаришда олий маълумотли ҳамширани олиб борадиган фаолияти;
 - ходимларни муассаса олдида қўйилган мақсадга эришиш учун йўналтира билиши;
 - ўзида меҳнат жамоасининг етакчиси сифатларини шакллантира билиши;
 - ҳамширалар орасида мажлислар ва кенгашларни ташкил этиши ва олиб бориши;
 - ходимларни бошқариш;
- муассаса ва унинг бўлимларида вужудга келадиган зиддиятларни самарали хал этиш

**ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ МУТАХАССИСИНИНГ УЗЛУКСИЗ
КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ, АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ВА
ЛИЦЕНЗИЯЛАШ**

Олий ҳамширалик иши мутахассиси мунтазам равишда ўз-ўзини ўқитиш орқали ўз касбий билимлар ва кўникмаларини узлуксиз равишда такомиллаштириб бориши лозим. Олий ҳамширалик иши мутахассиси олий тиббиёт ўқув муассасалари, малака ошириш институтларида сертификатлар ва/ёки гувоҳномалар олиш билан бир ойлик цикллар кўринишида таълим олишлари мумкин.



Олий ҳамширалик иши мутахассиси соғлиқни сақлаш бошқармаси ёки халқаро ташкилотлар томонидан туман, вилоят ва республика миқёсида ташкил этилган, якунида сертификатлар, аттестатлар, гувоҳномалар олиш билан, қисқа муддатли ўқув курслари ва семинарларида иштирок этиши лозим.

Ҳар бир Олий ҳамширалик иши мутахассиси ҳар йили кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг сифатини яхшилаш учун иш аудитини олиб боради.

Ҳар бир Олий ҳамширалик иши мутахассиси ҳар йили аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган ишлар ҳақида ҳисобот топширади.

Ҳар 5 йилда Олий ҳамширалик иши мутахассиси ўз малакасини тасдиқлаш учун касбий аттестация имтиҳонини топшириши шарт.

Малака тавсифномаси тузилишида қуйидаги ҳужжатлар билан ишланган

Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг директив ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг “269” сонли “Бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларига қабул қилиш тўғрисида”, 2019 йил 31 октябрдаги буйруғи

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли қарори.

4. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон фармонлари.

5. «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сонли қарори.

6. «2019–2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси даражасини ошириш тўғрисида»ги 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сонли қарори.

7. Постановление Президента Республики Узбекистан от 1 июля 2009 года №ПҚ-1144 «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола тугилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»

8. Приказ №277 от 20 июня 2007 года О профилактике передачи ВИЧ инфекции от матери к ребенку в родильных учреждениях системы Министерства здравоохранения.

9. Приказ №428 от 27 сентября 2007г. «О внедрении расследования критических случаев в акушерской практике в родовспомогательных учреждениях системы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан»

10. Приказ №600 МЗ РУз от 29.12.2007. О соблюдении санитарно-гигиенического, противоэпидемиологического и дезинфекционного режима в лечебно-профилактических учреждениях в Республике Узбекистан

11. Приказ № 243 от 4 августа 2009 года «О внедрении Конфиденциального исследования случаев материнской смертности в лечебно-профилактических учреждениях системы Министерства здравоохранения»

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 476.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
4. Национальный стандарт по повышению качества оказания перинатальной помощи в родовспомогательных учреждениях системы здравоохранения Республики Узбекистан. Ташкент, 2015. 136с.
5. Передовые практики в акушерстве и гинекологии. Руководство. Д.К. Нажмутдинова с соавт. Ташкент, 2017.500с
6. Неотложная помощь в акушерской практике. Пакет учебных материалов по ИВБР. USAID, Проект Здоровая Семья. Ташкент.-2014.-209с.
7. Предупреждение трансмиссий ВИЧ от матери ребенку(учебное пособие для акушер- гинекологов, неонатологов, педиатров, инфекционистов, семейных врачей, организаторов здравоохранения, врачей-интернов и студентов), Украина. UNICEF, 2013.-268с.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсийжавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. 2017 й, 104 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёти матбаа ижодий уйи.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017й, 488 бет. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёти матбаа ижодий уйи.
10. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. 2016 й, 56 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёти матбаа ижодий уйи.

Интернет сайтлари

[www//http:edu-uz](http://www.edu-uz)

[www//http: pediatr-ru](http://www.pediatr-ru)

[www//http: pubMed](http://www.pubMed)

www.medport.ru/medpb/ - Медицина Петербурга

www.mediasphera.aha.ru/pediatr/ped-mn.htm - Российский вестник перинатологии и педиатрии

[www. ew - a.org.](http://www.ew-a.org) - «East West» Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH Vienna